

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.12736000>

АҲОЛИНИ ЖАЛБ ЭТИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ МЕҲНАТ ШАРОИТИ (1941-1945)

Кенджаев Якуб Юсупович

Осиё Технологиялари Университети

“Ижтимоий фанлар ва рақамли технология” кафедраси ўқитувчиси.

kendjayevyakub@gmail.com

Ниёзкулова Мохира Нуралиевна

Карши Халқаро Университети талабаси

Аннотация: Уруш йилларида саноат корхоналарининг Ўзбекистонга кўчирилиши натижасида электроэнергияга бўлган талабни оширди, бу эса янгитдан катта кўламда ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий электростанциялар қурилишини, Мараказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда барпо этилишини ҳаётий заруратга айлантириб қўйди.

Калим сўзлар: саноат корхоналари, электроэнергия, электростанция, Ўзбекистон Компартияси, пленуми, гидроэлектростанция, металлургия, фабрика, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети, иссиқлик электростанцияси.

Annotation: As a result of the relocation of industrial enterprises to Uzbekistan during the war years, the demand for electricity increased, which made the construction of new, large-scale modern power plants in Central Asia, including Uzbekistan, a vital necessity.

Key words: industrial enterprises, electric power, power plant, Uzbekistan Communist Party, plenum, hydroelectric plant, metallurgy, factory, Soviet of People's Commissars of the Uzbek SSR, thermal power plant.

Иккинчи Жаҳон уруши Совет Иттифоқини чуқур иқтисодий ва ижтимоий инқирозга олиб келди. Гарчи уруш вайрон қилмаган бўлса-да, Ўрта Осиё Москва марказий ҳокимиятидан талаб қилинадиган ресурслар ва инсон кучининг тўлиқ сафарбар қилинишига тобе эди. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас эди. Урушдан минглаб километр узоқлигига қарамай, ўзбеклар фронтини ларзага келтирди. Эркакларни 1,5 миллионга яқини урушга чақирилган, 155 мингдан ортиғи мардикорликка юборилган бу эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли ярмини кетганини аниқлатди. Қолган аҳоли зиммасига эса пахта, ипак, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва заводларга, қурилиш майдончаларига, конлар ва канал лойиҳаларига сафарбар этилишини аниқлатади. Урал, Бошқирдистон ва Сибр фронт орти ишларига жабл этилган ўзбеклар. Ўзбекистонда 155 мингдан ортиқ ишга яроқли киши меҳнат баталонлари (трудоликлар)га мардикор сифатида сафарбар қилиниб, Россиянинг ҳарбий саноати ва қурилиш ишларига юборилди. Тошкент области ҳарбий комиссариатидан экстримал ҳолатда эшелонда 1700 киши Бошқирдистонга жўнатилган. Уралдаги мудофаа саноати завод ва фабрикаларида 32620 нафар ўзбек ишчиси фаолият кўрсатган. СССР Давлат мудофаа комитети 1942-йилнинг 14-октябрдаги «Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ССРда ҳарбий хизматни ўташлари лозим бўлганларни саноат корхоналарида ҳамда қурилишларда ишлаш учун сафарбар қилиш тўғрисида»ги №2414 СС қарори асосида Ўзбекистон бўйича ёши 19 ёшдан 50 ёшгача бўлган ҳарбий хизматни ўташга мажбур 150 000 ўзбекистонликни маҳаллий ҳарбий комиссарликлар томонидан сафарбар қилиш кўрсатилган.

Қарорда сафарбар қилинганлар ўзлари билан киши кийимларини, захира ички кийимларини, кўрпа-тўшакларини, идиш-товоқларини ва 10 кунга етадиган захира озиқ-овқатларини олиб келишлари кўрсатилган. Сафарбар қилинган шаҳарликлар учун Савдо халқ вазирлигига 10 кунлик озиқ-овқатни нақд пулга сотишга рухсат берилган. Аммо Ўрта Осиё военкоматлари ушбу меҳнат мажбуриятларини бажариш учун жуда катта шовқалоқлик билан ишладилар ва

сафарбар этилган эркакларни керакли жиҳозлар, иссиқ кийим ёки поябзал билан таъминлай олмадилар. Сафарбар қилинган кишиларнинг иссиқ кийим ва поябзал олишга маблағлари йўқ эди. Шунда ҳам улар сафарбарликдан бош тортишмаган. Уларнинг ватанпарварлиги «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» деган чақириқда ўз ифодасини топган эди. Ўзбекистондан сафарбар қилинган ишчиларнинг аксарияти кексалар, касаллар, кучсизлар, ишлаб чиқариш малакасига эга бўлмаганлар ва рус тилини билмайдиганлар эканидан шикоят қилишган . 1943 йил март ойида Ижевскдаги 51-қурилиш трестига келган 773 ишчидан 222 нафари касаллик туфайли уйига қайтарилди. Ўзбекистондан 35 013 нафар ўзбекистонлик Уралдаги саноат ва қурилиш ишларига сафарбар қилинган. Улар Ўрта Осиё ҳарбий округидан (ЎОҲО) 1943-йилнинг баҳор ойида сафарбар қилинганларнинг катта қисмини ташкил қилган. 1943-йилнинг 15-апрелдаги маълумотларда Ўзбекистондан 67000 нафар киши Урал иқтисодий зонасига жойлаштирилган: Свердловск областида 15131 нафар киши, Челябинскда 2427 нафар киши, Молотов областида 2212 нафар киши, Чкаловскда 2529 нафар киши, Бошқирдистон АССРда 2357 нафар киши ва Удмуртия АССРда 2970 нафар киши меҳнат қилган. Удмуртиялик тадқиқотчи Т.С.Третьякова маълумотларига кўра уруш йилларида 51-сонли қурилиш трестига Бухоро ва Сурхондарё областларидан минг нафар ўзбек олиб келинганлиги, улар турли ёшда ва турли касбда бўлганлар. Г.Д.Селянинованинг ёзишича, 1943-йилнинг ёзида Пермдаги Молотов номли заводда 978 нафар ўзбек, Киров номли заводда 200 нафар ўзбек, 90-сонли заводда 800 нафарга яқин ўзбек ва 60 нафар қозок, 103-сонли заводда 50 нафар ўзбек, 12-қурилиш трестида 70 нафар ўзбек ишлаган⁸⁰. К.А.Моргуновнинг маълумотига кўра, Орск шаҳридаги корхоналарда 7 минг нафар ўзбек (шундан 500 нафари нефт заводи қурилишида), Чкалов шаҳрида 700 нафар ўзбек, Медногорскда 200 нафар ўзбек ишлаган⁸¹. Сафарбар қилинганларнинг кўплари фидокорона меҳнат қилишган. Ишчи Ақром Ортиқов гвардиячи вахтада нормани 140 фоизга, бетон заводи шофёри Бобоев 120 фоизга,

слесар Убайдулла Ҳайдаров 200 фоизга бажарган. Иркутск областидаги 4-курилиш трестида ишлаётган 47-биригададаги ўзбек ишчиларидан 43 нафари 1943-йили режани ортиғи билан бажарган. Уралмаш заводи Голов бошлиқ бўлган механика сеҳида Рустам Турдиев ва Ҳасан Тўхтабоев нормани 150 фоизга бажаришган. Назаров сеҳида звено юк ташувчиси Ҳақбердиев, тожик Мардон Носир ва ўзбек Мамат эргашевнинг меҳнат жасоратлари «За тяжелое машиностроение» газетасининг 1943 йил 9 феврал сонидан намуна сифатида кўрсатилган. Газетанинг 11 феврал сонидан эса бундан бир неча ой олдин Ўзбекистоннинг қишлоқларидан заводга янги ишчилар келгани, улар аввал бундай заводлардаги ишлаб чиқаришни кўрмаганлиги, аммо кўпчилиги дастлабки кунлардан оқ ҳарбийларнинг ҳужумлари учун фидокорона меҳнатнинг аҳамияти бениҳоя катталигини англагани, 19 ёшдаги Ҳасан Тўхтабоев мустақил равишда станокда меҳнат қилиб нормани 150% бажаргани қайд қилинган.

Урал ҳарбий маҳсулотнинг 40 фоизини уруш йилларида таъминлади аммо Киров заводининг ишчиси "Харков ишчилари режани 100 фоизга бажариб, 1000 грамм нон олишади, мен эса 150 фоизга бажариб, 700 грамм оламан"- деб тасдиқлаган. Бундан кўриниб турибдики ишчиларни бажарган ишларига кўра менатга ҳақ тўлаш ва озиқ-овқат билан таъминлаш турлича бўлган. 1943-йилнинг кузи ойдан Ўрта Осиё ва Қозоғистондан сафарбар қилинганлар миқдори камая бошлаган, 1944-йилнинг ўрталарида уларнинг сони 22 000 нафарга тушиб қолган. Ўрта Осиё ва Қозоғистондан сафарбар этилганларнинг 73 фоизи Уралдаги мудофаа саноати корхоналарида ишлаганлар. Сафарбар қилинганлар сони камайиб кетишига сабаб, улар жуда оғир шароитда ҳаёт кечирганлар. Уларнинг маълум қисми сеҳларда ишлаб, шу жойда овқатланишиб, шу жойда яшаган. Челябинскдаги Киров номидаги заводнинг бош металлурги Голдштейн ўзбекларнинг куйиш заводидаги аҳволини "Уларга берилган буйруқларини ёмон тушуниб, ундан ҳам ёмонроқ бажарар, кўпинча Иссиқлик билан ишлов бериш бўлими бошлиғининг (термообрубной очистки), оёқлари остида йиқилиб, тиз чўкиб, қўлларини ёйиб, ибодат қила бошлардилар. Ишни

тугатмагани учун уларни тез-тез дўппослашар, арзимаган тушликлари, нон ратсионларидан ҳам маҳрум қилишарди. Ўзбеклар кўзимиз остида эриб кетди, кўплари шу ерда, фабрикада ҳалок бўлдилар” деб тасвирлайди. Бу маълумотларга эътибор қаратсак бундай қийинчиликларга дучор бўлишларининг Биринчи сабаби Ўрта Осиёдан хусусан Ўзбекистондан сафарбар қилинганлар рус тилини билишмаган. Иккинчи сабаби эса ўзбеклар диний сабабларга кўра чўчка гўшти истеъмол қилишдан бош тортгани, уларнинг коъпчилиги балиқ, колбаса, қўзиқорин ва нордон карам емаганлари учун жуда ҳам озгин, меҳнатдан тинка-мадори куриган холда яшаганлари ҳужжатларда кайд этилган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон тарихи. 2 китоб (1939-1991 йиллар). Тошкент. “Ўзбекистон”-2019. Б-18
2. Шамсуддинов Р, Ўзбек халқининг ғалабага қўшган ҳиссасига доир 1941-1945-йиллар. Тошкент “академнашр” 2020. 266-бет
3. [хтгпс://ок.ру/](https://ok.ru/) Душа моя, Узбекистан!. Владимир Бондарев. "Трудовые мигранты" 1940-х.... 57
4. Ўзбекистон тарихи(1917-1991-йиллар) 2 китоб. Тошкент. “Ўзбекистон”-2019. 9-бет
5. Водийнома. Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал. Андижон. «Жавохир нашр» 2019. №4(15) 69бет
6. Моргунов К.А. Трудовая мобилизация и специфика правового положения немецкого населения Чкаловской области в военные и послевоенные годы // Научно-практическая конференции «Немецкое население на Южном Урале в военные и послевоенные годы (К 70-летию депортации немецкого населения СССР). Оренбург, 2011 . 29
7. Водийнома. Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал. Андижон. «Жавохир нашр» 2019. №4(15) 70бет
8. Водийнома. Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал. Андижон. «Жавохир нашр» 2019. №4(15) 69бет